

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

II « ИЮНЬ 2018 й. г. № 437

Тошкент ш. – г. Ташкент

Фарғона вилояти Қува тумани аҳолисининг бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Худуддаги мавжуд табиий ва меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш асосида Фарғона вилояти Қува тумани аҳолисининг бандлигини таъминлаш, аҳоли ҳаёти даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

республика ишчи гуруҳи томонидан маҳаллаларни уйма-уй айланиб чиқиш, ижтимоий соҳа объектларига ва ишлаб чиқариш объектларига ташриф буюриш орқали Фарғона вилоятининг Қува туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар комплекс ўрганиб чиқилгани;

Фарғона вилоятининг Қува туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ўрганиш яқунлари бўйича маҳалла, туман ва вилоят даражаларида ҳал этилиши талаб қилинадиган тизимли муаммолар ва камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган “йўл хариталари” ишлаб чиқилгани ва тасдиқлангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2018 йилда Фарғона вилоятининг Қува туманида кафолатли иш ўринлари ташкил этиш ҳамда саноат, хизматлар соҳаси ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларининг манзилли рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фарғона вилояти ҳокимлиги:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, лойиҳаларнинг ташаббускорлари билан биргаликда тасдиқланган манзилли рўйхат параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласин ва бу борада инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини, ишлаб чиқаришнинг мўлжалланган ҳажмларига эришиш ва янги иш ўринлари ташкил этилишини назарда тутсин;

муаммоли масалаларни мунтазам равишда кўриб чиқиб, уларни ҳал этиш юзасидан тезкор ва амалий зарур чора-тадбирларни амалга оширган ҳолда, лойиҳалар бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига Фарғона вилояти ҳокимлиги ва хизмат кўрсатувчи банклари билан келишган ҳолда, лойиҳанинг кийматини ва иш ўринлари сонини саклаб қолиш шарти билан лойиҳаларнинг тасдиқланган манзилли рўйхатига, заруратга кўра, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Фарғона вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Қува тумани секторлари ва маҳаллалари бўйича 2018-2019 йилларда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини, банд бўлмаган аҳолини касбга қайта тайёрлашни ташкил этиш бўйича манзилли дастурни бир ой муддатда тасдиқласин.

6. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Фарғона вилояти Қува туманидаги Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг жами ҳудуди 5.05 гектар бўлган “Исфайрам-Шоҳимардон” ирригация тизими бошқармасининг бинолари ва иншоотлари негизида кичик саноат зонаси ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Белгилансинки:

кичик саноат зонаси ҳудудидаги кўчмас давлат мулки, кейинчалик бизнес-режаларни бажариш, иш ўринлари яратиш ва саклаб қолиш, барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланиши шарти билан, мулкчилик ҳуқуқи берилган ҳолда тадбиркорлик субъектларига узок муддатли 10 йилга ижарага берилди;

кичик саноат зонаси ҳудудидаги кўчмас давлат мулкидан ижара даврида фойдаланиш учун ижарага олинган майдонда амалга ошириладиган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда ортиб борадиган коэффициентни қўлламаздан ижара тўловининг энг кам ставкаси белгиланади;

кичик саноат зонаси иштирокчиларига инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкалари бериш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Фарғона вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши томонидан қабул қилинади.

8. Фарғона вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши бир ой муддатда кичик саноат зонаси дирекциясини ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси замонавий ишлаб чиқаришлар ва янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида Фарғона вилоятининг Қува туманидаги фойдаланилмаётган ер участкаларини кейинчалик тадбиркорлик субъектларига ва салоҳиятли инвесторларга бериш учун уч ой муддатда хатловдан ўтказсин ва белгиланган тартибда ажратсин.

10. Фарғона вилояти ҳокимлиги, тегишли секторлар раҳбарлари Фарғона вилоятининг Кува туманида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни комплекс ўрганиш яқунлари бўйича тасдиқланган “Йўл хариталарининг” сўзсиз бажарилиши юзасидан амалий назоратни таъминласинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Фарғона вилояти ҳокими Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

2018 йилда Фарғона вилоятининг Қува туманида қаролган иш ўришлари ташкил этиш ҳамда саноат, хизматлар соҳаси ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳаларининг
МАЎЗИЛЕЛИ РЎЙХАТИ

Т/р	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳанинг номи	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати		Лойиҳанинг умумий қиймати, млн сўм	Шу жумладан		Хизмат кўрсатувчи банк	Ишлаб чиқариш муддати	Янги иш ўришлари	
			Ўлчов бирлиги	Натура қийматида		млн сўм	Ўз маблағи				Банк кредити
Жами - 71 та лойиҳа											
1	Саноат соҳаси (жами - 20 та лойиҳа)				56 590	42 670	12 910	29 760		439	
2	Хизмат кўрсатиш соҳаси (жами - 22 та лойиҳа)				49 410	21 020	6 450	14 570		258	
3	Қишлоқ хўжалиғи соҳаси (жами - 29 та лойиҳа)				2 636	8 705	2 870	5 835		78	
1. САНОАТ ЛОЙИХАЛАРИ											
1	"Shahlozabon fashion style" оғлавий корхонаси	Пайпоқ ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	25	237,5	110	60	50	"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ	01.08.2018	4
2	"Yig'han Yukselish Textile" оғлавий корхонаси	Пайпоқ ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	30	280	350	65	285	"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ	01.08.2018	6
3	"Идеал Бизнес Стилл" МЧЖ	Пайпоқ ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	27	245	200	100	100	"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ	01.08.2018	3
4	"Тикувчи Шукурвалар" оғлавий корхонаси	Тиркотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	28	420	200	200		"Турон банк" АТБ	01.08.2018	4
5	"Қубоо милк крем" МЧЖ	Сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш	тонна	250	625	135	35	100	"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ	01.10.2018	3
6	"Қубоо Идеал Сафия" МЧЖ	Ун ишлаб чиқаришни ташкил этиш	тонна	220	550	1 000	800	200	"Ўзғиллибанк"	01.12.2018	10
7	"MUSLIM SHEER UNIVERSAL" МЧЖ	Қир ювшш кукунли ишлаб чиқаришни ташкил этиш	минг дона	220	225	170	70	100		01.09.2018	2

Т/р	Дойиханинг номи	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати			Дойиханинг умумий қиймати, млн сўм	Шу жумладан		Хизмат кўрсатувчи банк	Ишлаб чиқариш муддати	Янги иш ўринлари
		Ўлчов бирлиги	Натура қийматида	млн сўм		Ўз маблаг	Банк кредити			
II. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДОЙИХАЛАРИ										
1	"Қодирон Исомидин" хусусий корхона	Савдо фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	16,4	50	20	30	"Халқ банки" АТБ	01.08.2018	2
2	"Асфандиёрхон Савдо Нур" МЧЖ	Савдо фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	30	90	40	50	"Халқ банки" АТБ	01.10.2018	2
3	"Исмоилхужав Солдирхон Шукрудодхон ўли" ХК	Савдо фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	32	100	30	70	"Халқ банки" АТБ	01.08.2018	3
4	"Собиържон" МЧЖ	Савдо фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	23	50	20	30	"Халқ банки" АТБ	01.12.2018	2
5	"Ихлос Қува Фарм" МЧЖ	Савдо фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	16,5	50	20	30	"Халқ банки" АТБ	01.08.2018	3
6	"Рахмонов Ахрор" хусусий корхона	Савдо фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	26	80	30	50	"Халқ банки" АТБ	01.08.2018	3
7	"Аср Савдо" МЧЖ	Умумий овқатланиш фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	132	400	100	300	"Ўзбекистонбанк"	01.08.2018	4
8	"Шухратжонтранс" МЧЖ	Савдо фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	36	110	70	40	"Ўзбекистонбанк"	01.08.2018	2
9	"Шокиров Музаффар" хусусий корхонаси	Савдо фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	50	150	50	100	"Агробанк" АТБ	01.08.2018	3
10	"Атажонов Шерзод" хусусий корхонаси	Савдо фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	35,0	100	50	50	"Агробанк" АТБ	01.08.2018	3
11	"Рахимов Динфуза" хусусий корхонаси	Хизмат ва савдо фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	23	70	20	50	"Халқ банки" АТБ	01.09.2018	2
12	"Қуббо Илдам Абдулган" МЧЖ	Умумий овқатланиш фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	26,5	800	350	450	"Ўзбекистонбанк"	01.08.2018	4
13	"Мўминов Одилоҳон" хусусий корхонаси	Савдо фаолиятини кенгайтириш	млн сўм	9,5	300	100	200	"Халқ банки" АТБ	01.12.2018	3

Г/р	Лойиҳа ташаббускори	Лойиҳани номи	Йиллик иш. таб. чиқариш кўватини			Лойиҳанинг умумий қиймати, млн сўм	Шу жумладан		Динлар кўрсатувчи банк	Ишга тушириш муддати	Янги иш ўринлари
			Ўлчов бирлиги	Натура қийматида	млн сўм		Ўз маблағи	Банк кредити			
14	"Шоҳжон Исмоилжон Дилербек" МЧЖ	Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш	млн сўм		580	1 800	200	1 600	"Қаптал банк" АТБ	01.08.2018	4
15	"Фар Шамшодбек файз" МЧЖ	Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш	млн сўм		732	2 250	750	1 500	"Ўзбекистонбанк"	01.09.2018	3
16	"Нурманов Асадило" фермер хўжалиғи	Транспорт хизматини ташкил этиш	млн сўм		40	125	25	100	"Агробанк" АТБ	01.08.2018	2
17	"Мамадалиев Махмудали хожи" фермер хўжалиғи	Транспорт хизматини ташкил этиш	млн сўм		85	270	20	250	"Агробанк" АТБ	01.08.2018	2
18	"Азизов Нематилло" фермер хўжалиғи	Қишлоқ хўжалиғи техникасини сотиб олиш	млн сўм		40	125	25	100	"Ўзбекистонбанк"	01.08.2018	5
19	"Мирязев Бахтиёр" оилавий корхонаси	Тўйхона ва умумий овқатланиш ташкил этиш	млн сўм		85	900	500	400	"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ	30.12.2018	15
20	Мамажоннова Шохиста хусусий корхонаси	Спорт залини ташкил этиш	млн сўм		30	85	50	35	"Ўзбекистонбанк"	01.11.2018	3
21	"Қуна гумани Дехкон бозори" АЖ	Савдо комплексини реконструкция қилиш	млн сўм		132	400	200	200	"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ	30.12.2018	3
22	"Қуна Рафта савдо комплекси" АЖ	Замонавий савдо комплексини ташкил этиш	млн сўм		132	400	200	200	"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ	30.12.2018	5
Хизматлар соҳаси жами - 22 та лойиҳа					2 636	8 705	2 870	5 835			78
III. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЛОЙИҲАЛАРИ											
1	"Сайидилдин боғбон" деҳқон хўжалиғи	Чорвачилиқни ташкил этиш	бош	30	144	500	100	400	"Халқ банки" АТБ	01.10.2018	2
2	"Саломхалдин имкони" фермер хўжалиғи	Чорвачилиқни ташкил этиш	бош	100	500	1 670	50	1 620	"Халқ банки" АТБ	01.12.2018	8
3	"Сафарали Тешабоев" фермер хўжалиғи	Чорвачилиқни ташкил этиш	бош	65	320	1 300	100	1 200	"Халқ банки" АТБ	01.09.2018	9

Т/р	.Лойиҳани номин	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати			.Лойиҳанинг умумий қиймати, млн сўм	Шу жумладан		Хизмат кўрсатувчи банк	Ишга тушириш муддати	Йили иш ўрилари
		Ўлчов бирлиги	Нагура қийматида	млн сўм		Ўз маблағи	Банк кредити			
4	"Қайқубод Насл чорва" МЧЖ	Чорвачиликни ташкил этиш	700	1680	2 300	500	1 800	"Халқ банк" АПБ	01.12.2018	2
5	"Жабборова Зулфия" деҳқон хўжалиги	Чорвачиликни ташкил этиш	7	35	130	30	100	"Ўзбекистонбанк"	01.08.2018	2
6	"Моддий Техника Гаъминот" МЧЖ	Чорвачиликни ташкил этиш	12	60	260	50	210	"Ўзбекистонбанк"	01.12.2018	2
7	"Мамакат Бобомурод" фермер хўжалиги	Чорвачиликни ташкил этиш	8	37,5	100	20	80	"Агробанк" АПБ	01.08.2018	3
8	"Одил Мардона Турсин" фермер хўжалиги	Чорвачиликни ташкил этиш	10	50	175	25	150	"Агробанк" АПБ	01.10.2018	3
9	"Инак Тумори" фермер хўжалиги	Чорвачиликни ташкил этиш	15	75	320	60	260	"Агробанк" АПБ	01.12.2018	5
10	"Олтин дьер ок олтин" МЧЖ	Чорвачиликни ташкил этиш	10	50	200	50	150	"Агробанк" АПБ	01.12.2018	5
11	"Боторова Муҳаббат" деҳқон хўжалиги	Чорвачиликни ташкил этиш	8	37,5	150	30	120	"Қишлоқ қурилиш банк" АПБ	01.08.2018	2
12	"Чорвачилик Омад Барака" деҳқон хўжалиги	Чорвачиликни ташкил этиш	5	25	50	20	30	"Қишлоқ қурилиш банк" АПБ	01.08.2018	3
13	"Сотволдиева Гулнораҳон" деҳқон хўжалиги	Чорвачиликни ташкил этиш	5	25	60	10	50	"Қишлоқ қурилиш банк" АПБ	01.08.2018	3
14	"Давлатер Сабоҳон Файзи" деҳқон хўжалиги	Чорвачиликни ташкил этиш	5	25	50	10	40	"Қишлоқ қурилиш банк" АПБ	01.08.2018	3
15	"Ашуров Муминжон" фермер хўжалиги	Чорвачиликни ташкил этиш	15	80	2 750	750	2 000	"Халқ банк" АПБ	01.12.2018	1
16	"Сулаймонова Хилолгўнон" деҳқон хўжалиги	Чорвачиликни ташкил этиш	5	25	50	10	40	"Қишлоқ қурилиш банк" АПБ	01.08.2018	3

T/p	.Лойиҳа ташаббускори	.Лойиҳанинг номи	Йиллик ишлаб чиқариш қуввати			Лойиҳанинг умумий қиймати, млн сўм	Шу жумладан		Анимал кўрсатувчи банк	Ишлаб чиқариш мuddати	Янги иш ўринлари
			Ўлчов бирлиги	Наура қийматида	млн сўм		Ўз маблағи	Банк кредити			
17	"Тинчлик" хусусий фирмаси	Йондорчилик маҳсулотларини саклаш учун муздаткичи ombорхоналар ташкил этиш	тонна	200	65	500	500		30.12.2018	5	
18	"Исро" дехкон хўжалиги	Йондорчилик маҳсулотларини саклаш учун муздаткичи ombорхоналар ташкил этиш	тонна	200	65	200	200	85	01.08.2018	5	
19	"Тошхон" хусусий корхонаси	Йондорчилик маҳсулотларини саклаш учун муздаткичи ombорхоналар ташкил этиш	тонна	50	15	350	350		01.10.2018	2	
20	"Гуломов Фахридин" хусусий фирмаси	Йондорчилик маҳсулотларини саклаш учун муздаткичи ombорхоналар ташкил этиш	тонна	200	65	500	500	200	01.09.2018	3	
21	"Исро" дехкон хўжалиги	Паррандачиликни ташкил этиш	минг бош	2	220	200	200	40	01.09.2018	3	
22	"Назаров Шарофилдин" дехкон хўжалиги	Паррандачиликни ташкил этиш	минг бош	1,5	165	70	70	60	01.08.2018	2	
23	"Махаммадсали Мелибоев" фермер хўжалиги	Паррандачиликни ташкил этиш	минг бош	5	550	250	250	200	01.08.2018	4	
24	"Хумоюнбек" дехкон хўжалиги	Иссиқхона ташкил этиш	гектар	0,05	25	125	125		01.08.2018	2	
25	"Фаргона Волий тули" фермер хўжалиги	Иссиқхона ташкил этиш	гектар	0,3	150	220	220	170	01.08.2018	8	
26	"Хафизахон Алимова" фермер хўжалиги	Иссиқхона ташкил этиш	гектар	0,1	10	90	90	70	01.08.2018	2	
27	"Сарвиноз Муродиловна" фермер хўжалиги	Иссиқхона ташкил этиш	гектар	0,1	10	100	100	80	01.09.2018	2	
28	"Гузал ишончи меъоя" МЧЖ	Иссиқхона ташкил этиш	гектар	0,1	5	150	150	100	01.12.2018	4	
29	"Косимхон Мўйинов" фермер хўжалиги	Асқариччилик фермер хўжалигини ташкил этиш	оила сони	190	30	125	125	100	01.09.2018	5	
Қишлоқ хўжалиги соҳаси - 29 та лойиҳа						12 945	4 544	9 355		103	